

ХАР ТҮҲ ҒЎЗА СЕРХОСИЛ БЎЛДИ!

БҲТҮН ДҲНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 151 (4398).

31

И Ю Л Ъ

ЖУМА

1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.



ҲАБИБА АБДУЛЛАЕВА
Тошкентдаги «Юлдуз» фирмасида 15 йилдан бери фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. У кўндалик нормасини 120—130 процентдан оғо элиб, доимо аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Суратда: ўртоқ Х. Абдуллаева.

И. ШОИНОҒОМОВ фотоси.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚ

Тошкентдаги «Ўзбексельмаш» заводидан ишлаб чиқариладиган тувроққа гербицидлар соддави аппаратлар бегона ўтларга қарши курашда анчадан буюн деҳқоннинг содиқ ёрдами бўлиб қолди. Лекин мамлакатда биринчи марта жорий қилинган бу техниканинг хизмат мудири ротор насосининг ишга боғлиқ эди. Ротор насоси аппаратнинг «юрти» бўлиб, одадда кўн билан икки мансум хизмат қиларди.

Хўжаликлар насосишдан чиқиб қолганидан кейин аппаратнинг хизматидан фойдаланмасликка мажбур бўлардилар. Чунки ялғисини, запасини топиш қийин, ишдан чиққан насосни тўзатиш ундан ҳам қийинроқ эди.

Завод новаторлари насосининг бузиламасдан ишлашига амалда муваффақ бўлдилар: Завод новаторлари томонидан тақомиллаштирилган шундай агрегат нуҳасан дала шароитида синовдан муваффақиятли ўтди ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари томонидан яхши баҳо олди. Рационализаторлар насосиш камераси чўчи деворчасини хромлаш ўрнига ичкаридан зайтламайдиган пўлат пластини кўйишни тақлиф қилдилар. Эндиликда бу пластини эскириб қолса, уни дала шийонида ҳам осонгина алмаштириш мумкин. Шундай насос ўриятилган аппаратлар зўқ чидайди, жуда бенуқсон ишлайди.

(ЎзТАГ).

ДОЛЗАРБ ВА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУНЛАР

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари ва партиянинг навбатдаги XXIV съездининг қарори ҳақидаги ҳабар облатимиз меҳнаткашларини коммунистик кўрилишда янги зафарларга, иккуний ва яратувчилик ишларига янада ғайратлантириб юборди. Саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги, кўрилишлар, участка ва коллективлар, ҳар бир соҳа — ҳамма ерда меҳнат кўтаринчилиги, сийсий активлик, умумхалқ социалистик мусобақаси янада кенг қулоқ ёзмоқда. Халқимиз юбилей йилини, улғў айёмларини муносиб нишонлаш, яхши тўхталар билан йқулаш учун ғайрат, ташаббус ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Пахтакорларимиз бу йил она-Ватанга 350 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришлари керак. Улар ўзларининг кўнйилик тақрибларини ишга солиб, юбилей йилида мўл ҳосил етиштириш, пахтачиллини комплекс механизациялаш борасида бутун имкониятларини ишга солиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Оқўғрон, Ялғўйўл, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ва бошқа районларнинг кўнйилик қолхоз ва совхозларида яхши парвариш қилинган ғўзалар 7—8 тадан кўсак туккан. Бу хўжаликларнинг пахтакорлари ва механизаторлари ҳосил тақдирини шу кўнлардаги меҳнатимизга боғлиқ эканлигини яхши тўхтуганлари ҳолда ишлаб, ғўзани чаққатмаслик, ҳосил тўғунчаларини сақлаб қоллиш, чеканкани тезроқ тўғаллаш, ёввойи ўтларга қарши кураш, култивацияни сифатли ўтказиш ва шу билан бир қаторда пахта йиғим-теримига янги техника тартибига тайёргарлик ишларини агротехника талаблари асосида олиб боришмоқдалар.

Янгилик ва Пахтакор талабларининг ватанпарварлик ташаббуслари қолхоз ва совхозларда ғўза парваришини янада кўнйитириш, ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига пахта етиштиришни кўнйитиришда янги ҳаракатларини вужудга келишига сабаб бўлди. Оқўғрон районининг пахтакорлари илдан ташқари 12 минг тонна пахта топириш ва ҳосилнинг 35 процентини машиналарда териб олишга аҳд қилдилар. Бундай ташаббусларини бошқа районлар ва қолхозларда ҳам кўнлиш мумкин.

Бироқ жойларда ўтказилган текшириш шу нарсани кўрсатдики, облатида ғўза парвариши соҳасида қилинётган ишлар талабга жавоб бермайдил. Июль тўғаб, август бошлангичига қарамай деярли ҳамма районларда, қолхоз ва совхозларда ёш ғўзалар бор. Чопиш, култивация, сўғориш ва шарбат бериш сифатсиз ўтказилмоқда. Даладарда аҳён-аҳёнда одамлар кўринадил. Бекобод, Бўқа ва бошқа районларда чеканкани эндигина бошлаганлар. Ёўза чаққатлиб қўнйилганлиги ва қониб сув ичмаганлиги натижасида гулнинг тўкиб, ҳосилдан қолмоқда. Бунинг асасига, баъзи хўжаликларда керагидан ташқари сув бериб, қўллатиб, ёппасига сўғорилаётганлиги сабабли гўлаб кетган, барглари анжир дарахтининг баргига ўхшаш шалалоқ-шалалоқдек ўсиб кетган. Кўсакларини энди ёнғоқдек бўлган ғўзалар ҳам бор. Бундай жойларда ғўзага сув қўйворилиб, ундан хабар олинмайдил. Баъзи жойлар қўлаб кетди, баъзи жойларга эса сув бориб етмайдил. Йилдиратиб, синдириб сўғоришга экинбор беришмайдил.

Бекобод, Ялғўйўл ва Бўқа районларидаги айрим қолхоз ва совхозларда чеканка кеч бошланганлиги натижасида, ҳозирдан 3—4 сентябр ҳосил бош бериб қўнйилганлигини пайкамайилган. Яна шу нарса аччиқардики, далада ишлаётганлар белгилангандан анча кам. 2-Далварини совхозда тўшқи дам олиш 3—4 соатга қўнйилиб кетди. Катталар эмас, ёш болалар чопиш қилмоқда. Ҳозир ҳар кун, ҳар соат ғанимат эканлигини ва ҳосил тақдирини шу кўнлардаги меҳнатимизга боғлиқ эканлигини ўнатиб қўйиб, тўйма-тўй юрибдилар ёки ўз шахсини ишлари билан бандлар. Парвариш яхши ташқил этилмаган жойларда ғўза гўлаб кетиб, ёввойи ўтлар унинг остида бе-

лод ўсиб, энг керакли озуқаларини сўймоқда. Тошкент облати пахтаи машинада теришда биринчи бўлиб ташаббус кўрсатган ва долдор механизаторларга эга облатлар. Бирон кейинги йилларда ўша шон-шўхратлар пасайиб кетди. Баъзи хўжаликларда пахта теримини механизациялаш даражиси қўнйилганлик эмас. Вақт ўтиб бораётганига қарамай машина теримига тайёргарлик, терим агрегатларини ремонт қилиш, пахтаи машинада териладиган ерларни ҳозирлаш қўнйилганлик эмас. Дефляцияга ҳозирдан тайёргарлик кўриш керак. Механизатор надрларини тайёрлашга алоҳида эътибор берилайлик.

Облати қишлоқ хўжалиги ходимларининг ақинда бўлиб ўтган йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари парваришини кўнйитириш ва ҳосилдорлигини ошириш масаласи муҳокима қилинди. Бу йилда пахта деҳқончилиги ва чорвачилик соҳасидаги ишларини ҳозирги талаблар даражасида эмаслиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Қолхоз ва совхозларда июль Пленуми қарорларини пропаганда қилиш, амалга ошириш ва ҳар бир меҳнаткаш оғинга етказиш қўнйилди эмас. Баъзи раҳбар ходимлар бу тарихий Пленум қарорларининг юксак моҳиятига ҳали ҳам ғўла тушуниб етмаганлар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ақинда бўлиб ўтган пленуми ва кеча матбуотда эълон қилинган қарори барча партия, совет, касабаси, комсомол органлари, хўжалик ташкилотлари раҳбарлари диндаги КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини кенг пропаганда қилиш ва белгиланган улғўвор вазифаларини амалга оширишга мажбур.

Партия қарорларига, унинг ҳар бир қарарига амалий иш билан, топирилган сийсий хўжалик вазифаларини ўз вақтида бажариш билан жазоб беришимиз керак. Июль Пленуми қарорларида кўрсатилганлик, пахта мамлакатимиз экономикасида катта аҳамиятга эгадир. Пахтаи кўнроқ етиштириш эса республикаимиз меҳнаткашларининг, шу жумладан облатимиз пахтакорларининг шарафини бурчдир. Шундай экан, юбилей йилида олган юксак мажбуриятларимизни шараф билан бажариш учун ҳозир, шу кечюқундада ғайрат билан ишлашимиз керак. Ҳар ўн ғўза деҳқон меҳнатига юксак ишонч билан қўнйилганлиги ва бутун август охири ҳосил учун курашда қарбдор бўлимоғи керак. Ҳар бир тўла 8—9 ва ундан ортиқ тўқ кўсак бўлишига эришайлик. Еш, қолқ ғўзаларини алоҳида парвариш қилиб, шарбат оқизайлик, култивация қилсайлик, қондириб сўғорилайлик. Ҳаммаининг ўрни далада бўлсин, ҳар бир қартиш текширишдан ўтказиб, шонилик чоралар қўрайлик. Сувчилар ва механизаторларга алоҳида шароит яратиб берилайлик. Улар ҳосил тақдирини ҳал қилувчи кишилардир. Ёўза ўсиб кетгўз пайкаларда яна бир марта чопиқ ўтказиб, ёввойи ўтларни қириб таштайлик. Чеканкани тезда тўғаллаш зарур. Ҳар бир тўн, ҳар бир гектар ўз юғини кўтариши керак. Бу деган гап, шарбат бериб, қондириб сўғоришмаси, ғўза гулчин ташлаши ва қутилган ҳосилни бермаслигини мумкин.

Машина теримига ҳамма нарса тахт қилиб қўнйилмоғи лозим. Шунга эришайликки, бу йил қолхоз ва совхозлар кам деганда 60—70 процент пахтаини машинада терсин. Қўл меҳнатини қамайтира бориб, ўқувчилар ва студентларга ўқини, илм олиш учун имконият яратиб берилайлик. Шу жиҳатдан ҳосилнинг қариб ҳаммасини машиналарда териб олишга қарор қилган илғор хўжаликларнинг ақойиб ташаббусларини қўлаб-қувватлайлик, кенг ейлайик.

Пахта — Ватан, халқ бойлиги. Пахта учун кураш — ҳар биримизнинг жонони ва шарафини бурчимиз. Ватан олдида олган юксак социалистик мажбуриятимизни тўла бажариш учун ғайрат ва шижоат кўрсатайлик. Ҳамма далага қисини, ҳосил учун сидиқидил курашсин. Бутун куч — ғўза парваришга!

ОБЛАСТЬ ЛУБКОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Кеча, Тошкентда облатдаги қанон экувчи хўжаликлар ва луб саноати ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашга қанон экувчи районлар партия комитетларининг иккунчи секретарлари, район иккунчи комитетларининг раислари, район ишлаб чиқариш бошқармаларининг бошлиқлари, қолхоз раислари, шунингдек, луб ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи илғор текширар ташкилотларининг ходимлари иштирок этидилар.

Кенгаш қатнашчилари 1970 йилда қанон полсини ўриб олиш иш ташқил қилиш ва уни қант ишлашини намунали йўлга қўйиш ҳақидаги масалани муҳокима қилдилар. Бу ҳақда облати иккунчи комитетининг раисини ўртоқ Э. Т. ШАИХОВ доклад қилди.

Облати луб тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ А. ФАИЗУЛЛАЕВНИНГ луб саноатининг иш умумдорлигини ошириш йўллари ҳақидаги доклад ҳам тингланди.

Кенгашда облатимизнинг

лубкорлари КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини оғинмай амалга ошириб, партиянинг навбатдаги тарихий XXIV съездининг муносиб меҳнат совғалари билан қўнйиб олишга ҳаракат қилётганликлари конкрет мисолларда алоҳида таъкидланди. Жуда кўп қолхозларда, бригадалар ва заводларда сўғиз шарфига умумхалқ мусобақаси ажи олиб кетди. Лубкорлар ўз зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилган ҳолда ишламоқдалар.

Юқори Чирчиқ районидagi «Правда» қолхозининг раисини ўртоқ А. ЦОЙ ўз сўзида қолхоз лубкорларининг ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни ўтган йилга нисбатан анча кўнйитириш соҳасида қўнйиб тақриблар қандай амалга оширилаётганлигини сўзлаб берди. Шу билан бирга у ҳамма хўжаликларда ҳам қанон уруғи олишни кўнйитириш ва сифатини яхшилаш масалалари ҳақида қимматли фикрларини ўртага ташлади.

— Коллективимиз, — деди Но-вожиценский луб заводининг директори ўртоқ И. ДУНАЙ-ЦЕВ, партиянинг Марказий Комитетининг тарихий қарорларидан илҳомланиб, йил бошида қабул қилган мажбуриятни қант кўриб чиқди ва оширилганлиги мажбурият қабул қилди. Биз меҳнат умумдорлигини оширавиз, машиналардан самарали фойдаланишни ташқил қилдим. Шундай қилиб, беш йиллик план топирилди. 26 октябрда қалар бажариб, йил охирига қадар илдан ташқари қўлаб маҳсулот ишлаб чиқарамиз.

Кенгашда СССР Енги саноати министрининг луб бошқармасининг бошлиғи В. Мамеев, Оқўғрон район партия комитетининг секретари К. Ким ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Кенгашда облати партия комитетининг секретари ўртоқ К. БЕКАЕВ нутқ сўзлади. Кенгаш қатнашчилари муҳокима этилган масалалар юзасидан тақриблар белгиландилар.

КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИОНЛАШГАН ФЕРМА

Бу хўжаликда яқин вақт ичиди чорва молларини озиқлантириш, сўғориш, соғиб олиш ва бошқа ишларга сарфланган қўл меҳнатининг 98 процентини машиналар бажарди.

Яна қолхозда Москвадаги Бутуниттироқ қишлоқ хўжалигини электрлаштириш илғор текшириш институтининг лаборатория бошлиғи Альфред Иккунцевич Дормидовтов раҳбарлигидаги бир группа мутахассислар иштирокида замонавий лойиҳадаги экспериментал ферма биноси қўрилиб, фойдаланишга топириш арафасида турмоқда.

Бу янги фермада фақатгина сигирларни болаш ишлари қўл билан бажарилади, холос. Ферма икки юз бош соғини сингирга мўлжалланган бўлиб, уни қўриш учун 150 минг сўм маблаг ажратилган. Фермада сўт сўғувчи, молбоқарлар учун ҳамма қўлайлик яратилган. Чорва моллари озуқалари сақланган унча оғир қўрилган.

Бу тақрибларнинг амалга оширилаётганлиги бекизи эмас. Маълумки, чорвачилик энг кўп қўл меҳнати талаб қиладиган соҳалардан бири. Партияимиз Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларида чорвачиликни янада ривожлантириш, чорва молларидан олинадиган маҳсулот миқдорини ошириш ва сифатини яхшилаш, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, уни кенг механизациялашга қаратилган тақриблар белгиланди.

Чорвачиликнинг комплекс механизациялаштиришга тўриб, мўлжалдаги маҳсулотни етиштириб бўлмайди, албатта. Фермаларда сўт соғини, молларга озуқа бериш, чиқиндиларни чиқариб ташлаш каби юмушлар

жуда кўп ишчи кучи талаб қилди.

Шу босидан янги беш йилда чорва фермаларини механизациялаш, ем-хашак тайёрлашда ишлатиш учун турли усул ва машиналарга 6 миллиард сўм сарфлаш мўлжалланади. Бу маблаг беш йилнинг охирига бориб, кўнйилик типовой чорвачилик биноларини комплекс механизациялашга, чорва ва парварида боқиб, етказиш тақрибларининг янада тақомиллаштирилган технологиясини кенг қўллашга имкон беради.

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари ваби Калинин районидagi Илғор номли қолхознинг чорвадорлари ҳам Пленум қарорини чуқур ўрганиб, ўзларига тегишли ҳулоса чиқариб олишди.

Бу хўжаликда илгарилари чорвачилик рентабель соҳа ҳисобланмай, доим зарар келтирадиган тармоқ ҳисобланарди. Соғини сингирдан олинадиган сўт миқдори оз эди, харажатлар кўпайиб кетиб, таннарх мўлжалдан анча баланд бўлар эди. Биргина ўтган йили ҳар бир центнер сўтин етиштириш учун 17 сўм 50 тийин плавлаштирилган бўлса, йил охирида 23 сўмдан сарфланганлиги маълум бўлди. 23 сўм сарфлаб тайёрланган сўт эса давлатга 15 сўм 50 тийиндан сотилди. Натижада ўтган йили давлатга сотилган сўтининг ўзидан хўжалик чорвадорлари 24 минг 900 сўмдан кўнроқ зарар кўришди.

Гўшт тайёрлашда ҳам худда ача шундай ҳолин кўриш мумкин. Беш йилнинг тўртнаини йилда қанчалик кўп меҳнат сарфламасини, барибор, ҳар бош соғини сингирдан соғиб олишган сўт миқдори 1750 литрдан ошмади.

Чорвадорлар бу камчиликларини тўғатиш, чорвачиликни ҳам фойда берадиган рентабель соҳага айлантириш учун астойдил иш бошладилар. Чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш, қўл меҳнатини намайитиришга қаратилган туртга қўйилган асосий тақрибларини белгиллаб иш бошладилар.

Биринчидан, 1968 йилда бошланган чорва моллар зотиини яхшилашни давом эттириш мақсадида Москва облатининг Истра районидан келтирилган 110 бош ёш гунажини 200 тага етказишди. Ҳар биридан кунига 25 литрдан сўт соғиб олиш мўлжалланади.

Иккинчидан, фермада меҳнат қилётган сўт соғувчилар моддий манфаатдорлигини ошириш, ҳар юз литр сўт соғиб олишдан соғувчига илгариги 2 сўм 10 тийин ўрнига 3 сўм 10 тийиндан ҳақ тўлаш жорий этилди.

Учинчидан, қолхозда чорвачиликнинг озуқа базаси мустаҳкамлашиб, ҳар гектар бедаропадан намида 130 центнердан кўнроқ беда гарамлаш, гектаридан 800 центнердан давлага олиш ҳамда мавжуд маккажуҳори майдонларининг гектарига 70 тонна силос бостирити мўлжалланади.

Тўртинчидан, июль Пленуми қарорларига жавобан, фермадаги ишларнинг 98 процентини машиналар кучи билан бажаришга қўнйилиб, маҳсулот таннархини кескин арзонлаштириш ва янги беш йилликнинг охирига йилга бориб ҳар бош соғини сингирдан соғиб олинадиган сўт миқдорини 4000 литр-га етказиш режалари тузилди.

Бу вазифаларини амалга ошириш учун қолхоз чорвадорлари ҳамма имкониятларга эга. Улар ана шу имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, мавжуд тақрибларини белгиллаб олишди. Бу ўз самарасини бера бошлади. Ярим йиллик сўт тайёрлаш плани анча ошириб бажарилиди. Гўшт сотиш йиллик плани ҳам январ ойидаёқ бажариб қўйилди. Сўт соғувчилар эса ҳар бир килограмм сўт надрлаб меҳнат қилиш бошладилар. Фермада юн-пирисиллик тўғатилди. Сўт соғувчиларини ўртача иш ҳақи 210 сўмдан ошиб кетди. Муҳабба Юсупова эса июль ойида 300 сўм ҳақ олди. Бундай илғорлар фермада кўп.

Фермада ўтган йили ҳар бош сингирдан 1750 литрдан сўт соғиб олишган бўлса, бу йилнинг дастлабки олти ойидаёқ ҳар бош сингирдан 1400 литрдан сўт олди. Йил охирига чорвадорлар ҳар бош сингирдан соғиб олинадиган сўт миқдорини 3000 литр-га етказиш учун барча тақрибларини кўрмоқдалар.

Бу ишларнинг партияимизнинг XXIV съезиди муносиб совғалари бўлади.

А. МНРЗАХМЕДОВ.

Суратда: янги ферманинг умумий кўриниши.

А. АБАЛАН фотолари.



Оқўғрон районидagi «Москва» қолхозининг А. Гофуров бошлиқ бригадаси аъзолари янгиликлар ташаббусига қўшилиб, оширилган мажбурият олдилар. Улар 100 гектар пахта майдонининг 30 гектаридан 30 ўриш 35 центнердан ҳосил олиш учун кураш қўнйиб юборишди. Шу кўнларда бригада аъзолари туртинчи ишлов беришни қизғин давом эттириб, ғўзани талабига қараб сўғормоқдалар. Суратда: бригаданинги илғор сувчиларидан А. Рахмонов.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси.

(ЎзТАГ).



Меҳнат қилган элда азиз
дейди халқимиз. Сафарали ав
ҳам ўз меҳнати билан обрў-эт
тибор ортирди. У доим унумла
ишлашга ҳаракат қилади. Но

